Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 144 (7034). ● 1 август, 1979 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

МИРИШКОРЛАР

ЭРТА ТОНГ. Бригадир дала йўлидан ўйчан бораяпти. «Яна нималар қилиш керак? Сувчиларга балли, ҳузур — халоватларини ўйламай, пахта учун қайғуряпти. Механизаторлар ҳам чарчадим демай, у картадан бу картага ўтиб ғўзаларга жон киритишяпти. Бу ёғидан хавотирланмасак бўлади. Аммо, яна бироз маҳаллий ўғит бўлганида...».

Шу пайт ўнг тарафдаги картани оралаб юрган сувчилар унинг ҳаёлини бўлишди.

— Келинг, Аҳмад ака, — деди сувчиларнинг бири. — Ишимизни текширгани бардвақтроқ чиқибсизда бугун.

— Сизларга ишонамиз, текшириш шарт эмас, — сувчилар кўнглигини кўтарди бригадир. — Эрта чиқишимдан мақсад — фермага ўтмоқчиман. Яна бироз гўнг ундирмасак бўлмас.

— Албатта. Гўнг қанча кўп бўлса, шунча яхши. Биз шарват қилиб ғўза остига оқизишдан чарчамаймиз. Мана, кечаги картани тонгга яқин сувдан чиқариб, янги картага ўтдик.

— Раҳмат, суръатни бўшаштирманглар.

Тоштемир Тошматов билан Абдуҳалил Тўйчиевлар Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг миришкор сувчиларидан. Кўплар қатори эрта баҳордан то кеч кузгача тиним билишмайди. Эртаю — кеч далада бўлишади.

Шу кунларда Аҳмад Мавлонов бригадаси ғўзаларини чилла сувига бир меъёрда қондириб суғоришда 1-бўлим сувчиларига ўрнак кўрсатишяпти.

А. НАБИЕВ.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ватанимизнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий қуч-қудрати ҳар беш йиллик ўтган сари муттасил ривожланиб бормоқда. Совет халқи Коммунистик партия бошчилигида янги жамият қуриш йўлидаги жуда бой тажрибага суяниб, ўз хўжалигини давлат планлари асосида муваффақият билан ривожлантирмоқда. «Бизнинг мамлакатимиз, деб уқтириб ўтган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, биринчи бўлиб экономикага планли раҳбарлик қилиш йўлига ўтди, неча йиллаб бошқа давлатлар ана шу мураккаб санъатни биздан ўргандилар ва ўрганмоқдалар. Аммо бизнинг олдимизда ҳам планлаштириш ишларини юксак даражага кўтариш, бу ишни хўжалигимизнинг қиёфаси ва янги миқёсларига, замоннинг янги талабларига мувофиқлаштириб олиб бориш вазифаси турибди».

Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланган сари социалистик хўжалик юритиш механизми ҳам узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Экономиканинг миқёслари ўсган, ишлаб чиқариш алоқалари эса мураккаблашган ҳозирги пайтда бошқариш ва планлаштириш методларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги даражасига мувофиқ ҳолга келтириш эҳтиёжи туғилди.

КПСС Марказий Комитети яқинда планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди. Кеча КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

КПСС XXV съездининг йўл-йўриқларини, СССР янги Конституциясининг қоидаларини бажариш мақсадида тайёрланган бу ҳужжатлар ривожланган социализм экономикасини бошқаришнинг энг муҳим проблемаларини комплекс равишда ҳал этади, план системамизнинг енгилмас ҳаётий кучини намойиш қилади. Бу ҳужжатлар биринчидан, планлаштиришни такомиллаштиришнинг конкрет тадбирларини белгилаб беради, иккинчидан, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш йўлларини кўрсатади ва учинчидан, хўжалик ҳисобининг, иқтисодий восита ва омилларнинг ролини кучайтиради. Ишлаб чиқилган механизм ҳар бир корхонани ўсишнинг интенсив омилларидан актив фойдаланишга, тиғиз планларни қабул қилиш ва бажаришга, ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга, янги буюмларни ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришга сафарбар этади.

Хўжалик юритиш механизмида энг асосий ўзгаришлар партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлган перспектив ва айниқса беш йиллик планларнинг аҳамиятини тобора оширишга қаратилгандир. Планлар бир-бири билан яхшироқ мувофиқлаштириб тузилади, давлат резервлари билан таъминланади ва социал вазифаларни ҳал этишга тўлароқ бўйсундирилади. Ресурслар умумдавлат тармоқ планларини бажаришга кўпроқ даражада марказлашти рилади. Фан-техника муваффақиятларини жорий этиш, қурилиш ишларини анча яхшилаш негизида ишлаб чиқаришни техника билан жадал таъминлаш учун шарт-шароит яратилади.

Хўжалик юритишнинг ҳамма босқичларида планлаштириладиган кўрсаткичларнинг янги системаси жорий этилади. Ҳар бир корхонанинг ишига унинг «ялпи маҳсулот»ига қараб эмас, балки соф маҳсулотни кўпайтиришига, истеъмолчиларнинг конкрет топшириқларини бажаришда коллективнинг қўшаётган конкрет ҳиссасига қараб баҳо бериладн. Бу эса ишлаб чиқариш ва бошқаришда қатнашувчиларни самарадорликни, иш сифатини оширишга, асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга руҳлантиради.

Хўжалик юритишнинг тасдиқланган механизми ғоят пухталик билан ишлаб чиқилди. Тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик даврда саноатда, қурилиш ва транспортда ўнлаб катта-катта иқтисодий тажрибалар ўтказилди. Бу тажрибалар айрим корхоналар миқёсидагина эмас, балки бутун-бутун тармоқлар, республикалар миқёсида ўтказилди. Бу тажрибалар— хўжалик ҳисобини ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципини бутун министрлик миқёсида муваффақият билан жорий этган приборсозларнинг кўп йиллик тажрибаси, техникани тараққий эттиришни рағбатлантириш борасида электр техника саноатида ўтказилган эксперимент, норматив соф маҳсулот кўрсаткичини синаб кўриш ва бошқа экспериментлар ана шулар жумласидандир. Хўжалик юритишнинг илғор тажрибаларини пухта анализ қилиш ва умумлаштириш амалда синаб кўрилган ҳар бир қимматли тажрибани жорий этиш ҳозирги вақтда айниқса муҳим вазифадир.

Қарорда кўзда тутилган ўзгаришларнинг амалда жорий этилиши биринчи навбатда партия, совет ва хўжалик органларидан катта ташкилотчиликни ва ғоявий-тарбиявий иш олиб боришни талаб этади. Эскириб қолган нарсаларга, ишнинг одат бўлиб қолган методларига ёпишиб олиш, баъзи маъмурларнинг қайта қуришни янада кечроқ муддатга чўзишга интилиши каби психологик тўсиқларни қатъият билан бартараф этиш керак. Асосий тайёргарлик ишларини кечиктирмай дарҳол тугаллаш лозим бўлганлиги учун ҳам бу айниқса муҳимдир. Чунки механизмнинг кўпгина қоидалари келгуси йил бошланиши биланоқ амал қилади.

Эълон қилинган қарорлар план органлари олдига, министрликлар ва идоралар олдига муҳим вазифаларни қўйди. Амалдаги бир қанча норматив актларда белгиланган қоидаларни, инструкцияларни, йўл-йўриқларни қайтадан кўриб чиқиш ва янгиларини жорий этиш талаб қилинади. Мана шу ҳамма тайёргарлик ишларида қарорнинг ҳарфига ва руҳига қаттиқ риоя қилиш, шу қарорни амалда бажарадиган ҳамма кишилар учун аниқ, равшан, тушунарли ҳужжатлар тузиш энг муҳим вазифадир. Инструкциялар ва тавсияларни бюрократларча мураккаблаштиришга қаршн қатъият билан курашиш керак. Партия комитетлари, министрликлар ва идоралар бу соҳада намунали тартиб ўрнатиш учун ишни ўзларининг алоҳида назорати остига олишлари лозим.

Дастлабки босқичда қабул қилинган қарорларни, хўжалик юритиш механизмининг хусусиятларини чуқур тушунтириш ва ўрганиш учун кўп иш қилиш керак бўлади. Айрим ташкилотлар бу ҳужжатларни сиёсий ва иқтисодий таълим планларига, техника тараққиёти университетлари, коммунистик меҳнат мактабларига программаларига мазкур ҳужжатларни киритиб тўғри иш қилмоқдалар. Министрликлар, идоралар, корхоналардаги партия ташкилотларининг бўрчи—мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларни актив ижилишида ва партия ижилишларида муҳокама қилишдан, белгиланган янгиликларни жорий этиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарор хусусида билдирилган дастлабки фикр-мулоҳазалар совет кишилари экономиканн ривожлантиришни жадаллаштириш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим тадбирларни яқдиллик билан маъқуллаётганликларини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари хўжалик юритишнинг прогрессив усулларидан фойдаланиб, партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик вазифаларини амалга оширишда янги-янги муваффақиятларга эришадилар.

(«Правда» газетасининг 30 июль сонидаги бош мақоласи).

АВГУСТ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

Раҳматали ота бу йил 71 баҳорни қаршилади. Ана шу баракали умрининг ярим асрдан кўпроғини у пахтачиликка бағишлади. Айни кунларда кекса пахтакор Чиноз районидаги «Янги обод» совхозининг Ҳакима Қўлдошева бошлиқ бригада си сувчилари билан бир саф да туриб, ғўзаларни об-ҳаёт га қондиришда қатнашмоқда. Бу коллектив 50 центнерчилар сафига қўшилди. Суратларда: Раҳмонали ота Умарчаев; чапда унинг шогирдлари ғўзага сув тара моқдалар.

А. Абалян фотолари.



ЖИЗЗАХЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ОҚҚЎРҒОН ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Областимизнинг миришкор пахтакорлари бу йилги об-ҳаво ниҳ-ҳиқлиги туфайли пахта далаларида ғўзаларнинг ривожи ўтган йилга нисбатан 15—20 кунга кечиккан бўлишига қарамай, бутун тажриба, маҳоратларини ишга солиб, ғўзани тез ривожлантиришга, қолоқликни бартараф этишга эришмоқдалар.

Оққўрғон районн далаларида бўлган жиззахлик мусобақадошлар буни тўла эътироф этдилар. Кўпчилик хўжаликлар далаларидаги ғўзаларнинг ривожи меҳмонларни мамнун этди. Жумладан, «Ленинизм» колхозининг Тўрабек Яхшибоев бошқараётган бригадада олиб борилаётган ишлар айниқса жиззахликларни хурсанд қилди. Бу бригада даласидаги ғўзалар гуркираб турарди, ҳар тупда 6—7 тадан кўсак санаш мумкин эди. Бу, албатта, олиб борилаётган қаттиқ кураш, ҳар туп ғўзага кўрсатилган деҳқон меҳри, ардоғининг натижаси эди. Ахир, бу бригаданинг аъзолари гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан социалистик мажбурият олишган. Мусобақадошлар юқори ҳосил кўтариш учун ана шундай сидқидилдан кураш олиб борилса, парвариш сусайтирилмаса, мажбурият албатта, бажарилади, дейишди. Колхознинг бошқа бригадаларида бўлган мусобақадошлар ютуқлар билан бирга айрим камчиликларни ҳам кўрсатдилар, уни тугатиш юзасидан дўстона маслаҳатлар бершди.

Районнинг йирик пахтачилик хўжаликларидан бири — «Оққўрғон» совхози механизаторлари ғўзага ишлов беришда айниқса намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар культиваторларнинг ҳамма ишчи органларидан тўлиқ фойдаланиб, ишнинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу кунларда совхоз далаларида 60 та агрегат ишлаб турипти. Бир кунда улар билан 410—420 гектар майдондаги ғўзага сифатли ишлов берилмоқда.

Жиззахлик мусобақадошлар қудратли техникадан унумли фойдаланилаётганини кўриб мамнун бўлишди. Бу хўжаликда механизаторнинг меҳнати юксак қадрланади. Масалан, механизаторлар ўртасида ўтказилган мусобақа ва кўрик ғолиблари пул ва бошқа мукофотлар билан рағбатлантирилади. Жумладан, ўртоқ Ш. Назаров бошқараётган иккинчи бўлим механизаторлари мусобақа ғолиби бўлишди. Бу бўлим далаларида 5—6 марта сифатли культивация ўтказилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 4—5 тадан кўсак санаш мумкин.

Шунингдек, меҳмонлар «Ленинобод» колхозининг М. Низомов бошлиқ бригада пахтазорида бўлишганида ҳам ғўзаларнинг ривожидан хурсанд бўлишди. Бригадада чеканка агрегатларининг унумли иши айниқса мусобақадошларни қизиқтирди. «Партия XXII съезди», Вотинцев номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам чеканка агрегатлари унумли ишламоқда. Ҳар куни далаларда 60 тадан чеканка қилувчи агрегатлар ишламоқда.

Районда ғўза парвариши билан бир қаторда йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари ва колхоз, совхоз устахоналарида терим агрегатларини ремонт қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. 350 пахта териш машинасидан 250 таси тахт қилиб қўйилди.

Мусобақадошлар чорвачилик билан, районда ем-хашак тайёрлашнинг борши билан ҳам қизиқдилар. Қайси соҳа, қайси участкада бўлишмасин, мусобақадошларнинг ҳақли эътироздлари, қимматли маслаҳатлари мезбонлар учун фойдали ва кўзланган мақсадга эгаллашда дастуриламал бўлиши аниқ.

В. ДОЛИМОВ.

СЕРҒАЙРАТ ЁШЛАР

Бу КОЛЛЕКТИВДА жами 12 киши меҳнат қилади. Бири миришкор сувчи, бири моҳир механизатор, яна бири эса дала юлдузи — чевар тегирчи. Аммо, асосий касби бир — пахтакор. Мақсади ҳам бир — ҳалол ишлаб, мўл ҳосил етиштириш. Ҳаммаси ҳам пахта ишқи билан ёнади. Эртанги кун орзуси билан ишаб меҳнат қилади. Шу боис ҳамжиҳат бўлиб ишлаш улар учун одат бўлиб қолган.

— Бу йилги маррамиз юксак, — дейди комсомолёшлар сардори Ибодулла Отақулов. — Пахта майдонимиз 70 гектар. Планимиз — 32 центнер, мажбуриятимиз эса — 40 центнер. Давлатга 280 тонна пахта етказиб беришимиз керак. Яна 22 гектар майдонда каноп ҳам етиштирамиз. Ҳозир ғўзаларимиз ривожи кўзни қувонтиради. Ҳар туп ниҳолда кўплаб шона ва гул, 3—4 та дан бўлиқ кўсак бор.

Бригадирнинг фахрланганича бор. Пайкалларда мўл ҳосил тўпланмоқда. Коллективнинг ҳар бир аъзоси бу ишга ўз ҳиссасини қўшиш учун ҳаракат қилаётир. Айниқса, механизатор О. Ҳошимов, сувчи А. Абдуқодировларнинг ҳамда М. Темирова, Д. Абдураҳмонова каби чопиқчиларнинг ғайрат-шижоатларини айтмайсизми?

Шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз пахтазорларида ўнлаб ғайратли ёшлар меҳнат қилишаётир.

ПАРВАРИШ—ҲОСИЛ ЕТИЛГУНЧА

ҲАР куни пахта далаларини айланиб чиқаман. Шона ва гулларга безанган, кўсаклай бошлаган бўлиқ ғўзаларни кўрганимда қувониб кетаман.

Аммо, ҳали ғўзаларнинг ривожи оркада қолаётган 150 гектарга яқин пахта майдонимиз ҳам бор. Бу ерларда ниҳоллар шоналаб, энди гул кўрсата бошлади. Бу пахтакорларимиздан янада самарали меҳнат қилиш, ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришни тақозо этяпти. Буни қалбдан ҳис этаётган пахтакорларимиз мардлар майдонига айланган пахтазорда чинакамига жасорат кўрсатаётирлар. Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тўғатишнинг йўли — парваришни бутун чоралар билан кучайтириш, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишдир. Яъни бир ҳозирги пайтда кунни-тунга улаб, бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаб, ҳар туп ғўзани меҳримизга қондириб, серниҳиқ кўклам туфайли қўлдан бой берилган фурсат ўрнини қоплашимиз зарур.

Хўжалигимиз аъзолари худди шундай иш тутяптилар. Улар Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаати асосида ғўза парваришини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Шу туфайли ҳозиргача колхозимизда ғўза қатор оралари 5 марта культивация қилинди, икки марта озиқлантирилди ва уч марта қондириб суғорилди. Ғўза қатор оралари ишлов бериш суръатларини, кучайтириш учун мавжуд 18 чопиқ тракторининг юксак унум билан ишлашини таъминлаяпмиз. Ғўзани культивация қилишда моҳир дала гвардиячиларимиздан Маҳан Бералиев, Турсунбой Тилламуродов, Жумабой Абдураззоқов, Қорабой Исаев ва бошқалар жонбозлик кўрсатаётирлар. Улар ҳар дами олтинга тенг ҳозирги дақиқалар қадрига етиб, ғайрат-шижоат билан ишлаб кунига 8—10 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини майин қилиб юмшатаётирлар.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш самарасини ошириш мақсадида хўжалигимизда пахта далаларига сув тараш оралиғида ниҳоллар камида икки марта культивация қилиняпти. Бу тупроқдаги намни сақлаш билан бир қаторда, тупроқни ҳаракатга келтириб, ғўза илдизларининг яхши ривожланишини таъминламоқда.

Колхозимизда ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш тугалланган. Аммо пахта далаларига маҳаллий ўғит солиш қизғин давом эттириляпти. Ғўзанинг авжи паст бўлган пайкалларнинг ҳар гектарига 15—20 тоннадан гўнг солаётирмиз. Маҳаллий ўғит жамғариш ва уни далага ташиб чиқаришни уюшқоқлик билан олиб бориш мақсадида махсус унумдорлик бригадаси ташкил этганмиз. Бу бригадага погрузчик, 4 та транспорт трактори ва юк машиналари ажратиб берилган. Далага чиқарилаётган маҳаллий гўнг пахта майдонларига бу ишга мослаштирилган иккита агрегатда солиняпти.

Ҳозир ҳарорат юқори бўлиб, ғўзанинг сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Бу даврда бирор туп ғўзани ивқатиб қўйиш, шунингдек, кўлатиб суғориш эрта баҳордан бери қилинаётган меҳнат самарасига путур етказиши мумкин. Чунки, сувдан қолган ёки бостирилиб суғорилган ғўза ҳосил нишоналарини тўкиб юборади, у ривожланишдан оркада ҳам қолади. Шунинг учун биз ғўзани суғоришга катта эътибор бераётирмиз. Суғориш суръатларини ошириш мақсадида колхозимизда сувчилар сонини 100 нафарга етказдик.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

Биз айниқса тунги суғоришга катта эътибор бераётирмиз. Пахта далаларига кечаси сув таралганида оби-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланилади ҳамда ғўза қониб сув ичади. Шунинг учун сувчиларимиз кундузи пайкалларга сув тараб, куни билан унинг оқишини назорат қилиб борадилар. Ғўзаларни чилла сувига қондиришда сувчиларимиз Эргаш Темиров, Абдумалик Мадалиев, Аҳмаджон Ҳамидов, Ғани Ниёзов, Қосим Авазовлар фидоийлик кўрсатаётирлар. Улар кўп йиллик тажрибалари асосида иш тутиб, кунига 1—1,5 гектар майдондаги ғўзани оби-тобида суғормоқдалар.

Механизатор ва сувчи — ҳосил тақдирини ҳал этувчилардир. Хўжалигимизда уларнинг унумли меҳнат қилишлари, мирикиб ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиб берилган. Дала шийпонларида механизатор ва сувчилар дам оладиган ҳоналар ташкил этдик, уларга икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Белгиланган нормаларни ошириб бажарган ҳамда культивация ва суғоришни агротехника талаблари асосида ўтказган механизатор ва сувчиларимизга устама ҳақ тўланади.

Маълумки, бу йил баъзи далаларимизда ғўза сийрак бўлиб қолган. Демак, юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилиши учун ҳар туп ғўзанинг яхши ривожланиши ва серҳосил бўлиши таъминланиши керак. Шунинг учун хўжалигимизда ҳар бир бригада далаларидаги кўчатлар сони ҳисоблаб чиқилиб, улар механизатор ва сувчиларга акт билан топширилди. Бу кўчатларни ҳосил етилгунга қадар тўла сақлаб қолган пахтакорларимиз моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар.

Бу йилги шароитда ғўза зараркунандаларига қарши қатъий кураш олиб бориш ҳам катта аҳамият касб этаётир. Колхозимизда ҳар бир бригадада кузатувчилар тайинланган. Улар мунтазам равишда пахта майдонларини синчиклаб текшириб, қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалишлигини аниқлашлари биланоқ бу ерга химиявий препаратлар ёрдамида ишлов берилади. Ғўза парвариши бошлангандан бери пахта майдонларига зараркунандаларга қарши икки марта дори сепилди. Шу кунларда ҳашаротлар аниқланган далаларга учта ОВХ-14 агрегати билан ишлов берилмоқда.

Ғўза парваришини янада кучайтириш ва деҳқончилик маданиятини оширишни кўзлаб, бригадаларимиз ўртасида далаларга «Сифат белгиси» берилиши учун социалистик мусобақа ташкил этдик. Бу мусобақада Ҳожиакбар Ҳожимирзаев ва Толибжон Тожибоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари пешқадамлик қилаётирлар. Бу бригадаларнинг бир неча пайкаларига «Сифат белгиси» берилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилида 928 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариб, Ватанга 3300 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мажбуриятини олганлар. Ваъда вафоси билан ғўзал. Колхозимиз аъзолари ҳам ҳар бир далада аҳдга яраша ҳосил тўпланишини таъминлаш учун барча имкониятларни ғўза парваришини кучайтиришга қаратаётирлар.

Колхозимиз аъзолари ғўза парваришини бундан буён ҳам комплекс равишда — культивация ва суғоришни бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб борадилар ва шоналарни гулларга, уларни бўлиқ кўсакларга айлантириб, ваъдага яраша мўл «оқ олтин» етиштирилишини таъминлайдилар.

Ф. МАДАЛИЕВ,
Янгиқўл районидаги Н. Ниёзов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БЎЛИНМА командири кичик сержант Аҳрор Орифжонов жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочисидир. У ўзига ишониб топширилган ҳарбий техника ва қуролни мукаммал эгаллаган. Суратда: аълочи танкчи Аҳрор Орифжонов.

А. Асанов фотоси.

◆ МИСЛСИЗ ЖАСОРАТНИ ТАКРОРЛАГАНЛАР.

◆ ЮРАКДАГИ СЎНМАС ЕЛҚИН.

◆ ЙИГИТЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИЛАР.

№ 181

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ—ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

ПИСКЕНТЛИК ГАСТЕЛЛОЧИ

СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архивида Совет Армияси жангчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мислсиз жасоратларидан ҳикоя қилувчи ноёб ҳужжатлар сақланади. Яқинда мен бу ерда бўлиб, альбом шаклида тайёрланган, муқовасига «Гастеллочилар» деб ёзиб қўйилган справочникка кўзим тушди. Уни варақлар эканман, кўз олдимда қловли жанг тафсилотлари гавдаланарди.

Справочникнинг кириш қисми шундай бошланади: «Уруш бошланган кунлари Ғарбий фронтнинг 42-авиация дивизиясига қарашли 207-авиация полки эскадрильясининг командири, капитан, коммунист Николай Францевич Гастелло, экипаж аъзолари — лейтенант Г. Н. Скоробогатский ва катта сержант Алексей Калинин Минск шаҳрининг шимолий қисмида кўрсатган ўлмас жасорати бутун мамлакатга маълум бўлди.

Душман снаряди келиб теккан самолёт ёна бошлади. Қаҳрамон экипаж самолётни сақлаб қолиш мумкин эмаслигини, парашютда сакраш эса асир тушиш демаклигини англарди. Улар бундан ўлимни афзал кўрдилар ва ёнаётган бомбардимончи самолётларини душманнинг автомашиналари, бензин цистерналари колоннасига йўналтирдилар. Самолёт колонна тўпланган жойда портлади ва душманга жуда катта талафот келтирди».

Справочникда Гастелло жасорати такрорланган 256 воқеа ўз ифодасини топган, Ана шундай мислсиз жасорат кўрсатганлардан бири лискентлик Мирза Пўлатовдир. Архив материалида унинг номи ҳам тилга олинган.

Мирза Пўлатов 50-авиация дивизиясига қарашли 31-авиация полкининг кичик учувчиси, кичик лейтенант Иван Тимофеевич Вдовенко экипажида ўқ отувчи эди. Бу экипаж уруш даврида Житомир, Кривой Рог, Днепропетровск, Кировоград районларида бўлган жангларда душман танкларига, моторлаштирилган колонналарга, кўпирикларга кўп марта бомба ёғдирган.

1941 йил 28 августда И. Вдовенко экипажига Днепропетровск яқинидаги кўприкни портлатиш юзасидан жанговар топшириқ берилди. Душман зенит замбараклари бетухтов ўқ узишига қарамай, экипаж мўлжални аниқ олиб, кўприкни портлатди. Улар ташлаган бомбалардан 5 та зенит установкаси ҳам ер билан яксон бўлди.

Аммо жанговар топшириқ бажарилиб, аэродромга қайтиш пайтида самолёт зенит замбараклари билан ниҳоятда кучли ўққа тутилди. Бу снаряд парчаларидан бири самолётга тегди ва у ёна бошлади. Вазиятни баҳолаган жасур экипаж ёнаётган самолётни ҳали ташланмаган бомбалар билан биргаликда фашистлар қайтадан қурган понтон кўпригига йўналтиришга қарор қилди. Самолёт кўприкка урилган пайтда жуда кучли портлаш рўй берди. Кўприк яксон қилинди ва душманнинг бетўхтов ҳужумга ўтиш режаси амалга ошмай қолди. Совет экипажининг барча аъзолари душманга катта талафот келтириб, мардларча ҳалок бўлдилар.

Қаҳрамон экипаж жасорати ҳақида Совет Информация бюросининг 1941 йил 31 августдаги кечки ахборотида хабар қилинди. Экипаж командири И. Вдовенкога СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 20 июндаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Гастеллочи Мирза Пўлатовни мен урушдан аввал танир эдим. У Пискентда туғилиб ўсган, сўнг Тошкент енгил саноат техникумига ўқишга кирган эди. 1940 йилда Қизил Армия сафига чақирилган Мирза Пўлатов Улуғ Ватан урушини Новочеркасск шаҳри бўсағаларида қаршн олди. Бу ерда у жанговар экипаж составида жангга кирди.

Ҳа, Мирза Пўлатов Ватанимизнинг тинч осмони, бугунги бахтиёр ҳаётимиз учун жонини фидо қилди. Унинг жасорати қалбларда абадий қолади. Биз Николай Гастелло жасоратини такрорлаган жанговар экипажнинг мардлигидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

М. САМАДОВ,
Пискент район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори.

ЛОЧИННИНГ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛАДИ

ЛАВҲА

ҒИРА-ШИРА тонг пайти Ҳумсон қишлоғида момақалдироқ гулдирагандай бўлди. Туни билан беармон ёққан ёмғир селга айланиб, Угам тоғларидаги сокинликни бузди. Йўлида учраган катта-кичик тошларни юз йиллаб ётган жойидан қўпориб, қишлоқ томонга, Угам дарёсига ота бошлади. Бўшаб қолган тошлар ўрнида ирмоқлар ҳосил бўлиб, йўлида учраган бор нарсани шитоб билан пастга оқизарди. Бир-бирига урилаётган тошлар овози узоқ даралардан акс садо берарди.

«Хўжакент» боғдорчилик-узумчилик совхози қоровуллар бошлиғи Маҳмуд ота Иномбобоев табиий офат даҳшатини биринчи бўлиб ўз кўзи билан кўрди. Тагидаги типирчилаб безовта бўлаётган оти ҳам кишнаб юборди. Узоқ йиллардан буён қадрдон, сирдош бўлиб қолган отининг бу кишнаши яхшиликдан дарак бермаслигини у тушунарди. «Бир зум ҳаялланса вақт кўпчиликни жазоласи мумкин» ҳаёлидн ўтказди ота ва зудлик билан вафодор отини қишлоқ томонга йўрттириб кетди.

Бир неча минутдан сўнг кўлида кетмон, белкурак ушлаган уч юз нафарга яқин одам тўпланди. Маҳмуд ота бошлиқ қишлоқ аҳли табиатнинг бу қаҳрига қарши мардонавор туриб беришди — ҳандаклар қазилди, тўсиқлар ўрнатилди, йўллар ҳарсанг тошлардан тозалана бошлади. Кўпчиликдан кўён қочиб кутилмас дегандек, яксон бўлган экинзорлар қисқа вақт ичида асл ҳолатига келтирилди.

Бу воқеани бундан ўн йил бурун қишлоқ чойхонасида бир пиёла чой баҳона бўлиб эшитган эдик. Яқинда ана шу узилган суҳбатни давом эттириш имкони туғилиб қолди. Чойхона тўрида болишга ёнбошлаган уч-тўртта мўйсафид чойхўрлик қилиш асноси ширин суҳбат қуришарди. Суҳбатни бузишни истамаётганимизни сезган оппоқ соқолли қария ёнига чорлаб, чой узатди...

— 1929 йилнинг кузига келиб Маҳмуджон Иномбобоев қишлоқ Советининг раиси сифатида ички душманларга қарши курашда анча обрў қозонган эди, — деб гап бошлади бизга чой узатган қария — Зуфар ота. Ҳар сафар Маҳмуджонни учратганимда мен ўзим шоҳиди бўлган бир воқеа кўз олдимда қайта гавдаланади. 1929 йилнинг кузида қизил аскарлар куршовига тушиб қолишдан кўрқиб, қочиб юрган бир тўда босмачилар Қирғизистон тоғлари оша Хумсонда пайдо бўлиб қолишди. Гўё осмондан тушган бу фалокат олдида қишлоқ аҳли саросимага тушиб қолди. Ушанда қишлоқ камбағал-деҳқонлар қўмитасининг раиси, довюрак комсомол Еқуб Маҳмудов босмачиларга қарши кўлга тушган қурол билан курашишга даъват этди. Бундан воқиф бўлган босмачилар Еқубни тутиб олиб, танини тилка-пора қилдилар. Кейин оломон олдида дарёга улоқтиришди. Бойлар ҳам шу кезларда ғимиллаб қолишди. Қизил аскарлар Хумсонга қараб йўл олгани дарагини эшитган Эгамберди қўрбоши каллакесарларга қочиш пайига тушиб қолишди. Улар чекина туриб, уйларга ўт қўйишар, бегунох одамларни ўлдиришар, хонадонларни талашарди. Етиб қолгунча, отиб қолишни афзал кўрган Маҳмуджон Иномбобоев бир неча кун ичида яширин равишда босмачи-қўзғунларга қарши курашиш учун халқ отряди тузган эди. У Қизил аскарлар етиб келгунча ана шу кучдан фойдаланмоқчи бўлиб, босмачилар изига тушди. Еттизиндон тоғидан ўтиб, Терсойга чиққанимизда душманга дуч келдик.

— Қурол-яроғ, ўқ-дори кам. Ақл билан жанг қилинглар,— деди қишлоқ Советнинг раиси.

Оқсоқолнинг бу қатъий бўйруғини бир дақиқа ҳам унутмасдан жон-жаҳдимиз билан жанг қилдик. Бироқ кучимиз уларникидан бир неча баравар камлиги ўз оқибатини кўрсатди. Босмачилар раисимиз билан фаолларимиздан Холмат Маҳсудовни кўлга туширишди.

— Биз икки мард йигитимизни душман кўлида ўзларини қандай тутганликларини кейинроқ эшитдик, — суҳбатга аралашди, мошгуруч соқолли кекса. — Дастлаб улардан қишлоқдаги коммунистларни, мададга келаётган жангчиларнинг сони, тўп-яроғининг салмоғини суриштиришибди.

— Агар тўғрисини айтсаларинг кўйиб юборамиз, — дебди қўрбоши.

Лекин улардан садо чиқмабди. Пешаналарига тўппонча тираб дағдаға қилишибди. Натижа бўлмабди. Дарахтга боғлаб ҳолдан тойгунча савалашибди. Тишларини синдиришибди. Аммо мард йигитларимизнинг иродасини синдириша олмабди, мақсадларига етолмабдилар. Агар Қизил аскарлар етиб келмаганда...

— Лочиннинг парвози баланд бўлади, — гапни илиб кетди Зуфар ота чойхоначи олиб кирган иссиқ нонларни синдирар экан. Унинг ўткир кўзлари ҳамиша чўққида бўлади. Шу боисдан таслимчиликни ёқтирмайди. Бизнинг Маҳмуджон Иномбобоев ҳам ана шунақа лочинлардан.

«Хўжакент» боғдорчилик-узумчилик совхози директори Мирзатилла Аҳмедов билан бўлган суҳбатимиз ҳам яхши таассурот қолдирди. У хўжалик ишчилари эришаётган ютуқлар тўғрисида, М. Иномбобовнинг қишлоқ атрофидаги 32 участкани беш қўлдай билиши, совхоз мулкини кўз қорачиғидай асрашда бошқаларга ўрнак бўлаётгани, табиатни муҳофаза қилиш ишига катта ҳисса қўшаётгани ҳақида ҳаяжонланиб гапириб берди.

Маҳмуд отани уйидан топиб бўлмади. Унинг катта фарзанди отасининг тиниб-тинчимаслиги ҳақида изоқ берди:

— Ёшлари 78 дан ошган бўлса ҳам юракларида ўт бор. Шу тинчлик бермайди. Дарама-дара, тоғма-тоғ кезишга ундайди. Бир нарса десак жавоби тайин. «Ўтирган бўйра— юрган дарё. Ахир 34 йилдан бери эл-юрт хизматидаман. Уйда ўтириш айб бўлади», — деб бизни гапиртирмай кўядилар.

Отанинг бошқа фарзандлари билан ҳам суҳбатлашамиз. Уларнинг кўпи олий маълумотли. Оталари каби меҳрибон, меҳнатсевар, ўзларига талабчан ва синчков. Йиллар ўтиши билан яроқдай сарғайиб кетган ҳужжатларни варақлаймиз. «М. Иномбобоев босмачиликни тугатишда актив қатнашди». «Ҳужум», коллективлаштириш кампанияларида бутун қобилиятини, ташкилотчилигини кўрсатди». «Қишлоқда саводсизликни тугатиш ишида группа бошлиғи бўлди ва бир неча ташаббус билан чиқди». Калинин номли ва «Угам» колхозларида уч йил колхоз раиси лавозимида ишлади. Бу колхозларни иқтисодий жиҳатдан бақувват ва илғор хўжаликлар қаторига кўтарди». «Улуғ Ватан уруши йиллари даврида НКВДда ишлаб, жамоат тартибини сақлашда кўпчиликка ўрнак бўлди». Хужжатлар ичида Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейи томонидан М. Иномбобоев номига берилган справка диққатни жалб этади. Унда шундай дейилган: «1929 йилнинг сентябрида Эгамберди қўрбоши ва Абдураҳмон Ғойипов бошлиқ босмачилардан тортиб олинган қурол-яроғлар — қилич ва милтиқлар музейда сақлаш учун рўйхатга олинди».

Хумсон қишлоғи Угам тоғлари ораларида жойлашган. Боҳаво, сўлим жой. Угам дарёсининг шарқираб оқиши узоқ-узоқлардан эшитилиб, қишлоққа сокинлик, мусаффо ҳаво баҳш этади. Совхоз ишчилари тоғ этакларида барпо этган боғ-роғлар, узумзорлар, экинзорлар ажиб манзара кашф этган. Эркаланиб эсаётган шабада ҳаёлни олиб қочади... Қаердандир от туёқларининг дупири эшитилдию, отга йигитлардек ўрнашиб олган Маҳмуд ота пайдо бўлди. Ҳарбийлардек чаққонлик билан эгардан тушиб, қадоқ кўлини кўришишга узатди. Унинг чеҳрасидан инсонларга муҳаббатини, меҳнатга, ҳаётга чанқоқлигини билиб олиш қийин эмасди.

Абдунаби МАННОПОВ,
Юнус ЗИЕДОВ.
Бўстонлиқ районн.

САФДОШ ЭГИЗАКЛАР

Сергей билан Виктор эгизак. Шу боисдан бир-бирларига икки томчи сувдек ўхшаб кетадилар. Қисмдаги солдатлар ҳазиллашиб, «Уларни фақат погонларидан ажратиш мумкин» дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сергей — ефрейтор, Виктор эса — кичик сержант.

Улар Совет Армияси сафига бир вақтда чақирилган бўлсаларда, аввал бошда турли бўлинмаларда хизмат қилдилар. Орадан ярим йил ўтгач эса эгизаклар бир жойга тушиб қолишди. Мана, эндиликда улар бир бўлинмада хизматларини давом эттирмоқдалар.

Кичик сержант Сергей Попков командир, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочисидир. Ўзига ишониб топширилган ҳарбий қурол ва техникани қунт билан ўрганади, асраб-авайлайди. Ўз жангчиларини ҳам жанговар ва сиёсий тайёргарликни оширишга даъват қилади.

Виктор унга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатдошидир. У командирлар ва Сергей томонидан берилган топшириқларни аъло даражада бажаради.

Эгизаклар ҳарбий хизматга чақирилмасдан олдин қишлоқда механизатор бўлиб ишлашарди. Ер ҳайдашда, экинларга ишлов беришда ҳамиша кўпчиликка ўрнак кўрсатар, бир-бирлари билан иноқ ва маслаҳатгўй эдилар. Бу аҳиллик Ватан олдидаги шарафли бурчларини сидқидилдан адо этишда ҳам қўл келмоқда.

А. СИТНИКОВ,
А. ПИГИЛОВ.

БУРЧГА САДОҚАТ

БЎКАЛИК Зокиржон Алимовнинг Совет Армияси сафига ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганига бир ярим йил бўлди. Бу давр ичида у ўзига ишониб топширилган ҳарбий қурол ва техникани мукаммал эгаллаб, бўлинмамизнинг жанговар ва сиёсий аълочилари қаторидан ўрин олди. Зокиржон Алимов ҳарбий хизматда эришган муваффақиятлари учун бир неча марта қўмондонликнинг раҳматномасини олган. Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Яқинда эса унга қадрдан қишлоғига бориб келиш учун қисқа муддатли отпуска берилди.

Интиллик бурчига садоқатларини кўрсатаётган бундай жангчилар кўп. Янгийўллик Абдураҳмон Мирзаев ва Исомиддин Жўмаев, бўстонлиқлик Эсонбой Имомбердиев, бўкалик Холчабек Рисмомбетов, Муҳиддин Муталов, чиноэлик Мурод Файзуллаев, паркентлик Ўринбой Мусаевлар ҳам Ватанимиз осмонининг бегуборлигини, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқлаб турибдилар.

А. ТЎЛАЕВ,
оддий солдат.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи тарихий музейидаги экспонатларда шавкатли Қуролли Кучларимизнинг жанговар шон-шуҳрат йўли акс эттирилган.
Суратда: музей кўргазма залларида.

А. Абалян фотоси.

КОМАНДИР ТАШАККУРИ

— Почтачи!..— кўнглидан ўтказди онаизор ташқарига шошилар экан. Янглишмабди. Почтальон унинг қўлига хат тутқазди.

Хатима опа йўл-йўлакай конверт устидаги ёзувга кўз югуртириб, таажжубланди: адреси Шопўлатникию, лекин... «лекин нега ёзуви бошқа бировники. Хат йўллаганларнинг исми шарифлари нотаниш».

Она шошма-пошма хатни ўқий бошлагач, чеҳрасида табассум балқиди:

«Мухтарама Хатима опа! — деб ёзишибди хатда, — Шопўлат қисмимизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларидан бири. У Ватанга сидқидилдан хизмат қилаяпти. Ҳарбий техника ва қуролларни мукаммал эгаллаган. Қўмондонлик Сизга ана шундай фарзандни тарбиялаб вояга етказганлигингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор этади».

Хатга бўлинма командири ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари имзо чеккан эди.

Хатима опа хатни яна бир карра ўқиб чиқди-да, ичкарига кириб жавон устида турган ўғлининг ҳарбий формадаги расмига меҳр билан термулди. «Ҳамиша мана шундай хизмат қилгин ўғлим» дея пичирлади.

Тошкент шаҳар Ёрмуҳамедов кўчасидаги 4-проезд 52-уйда яшовчи Хатима опа Мусаеванинг ўғли Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ана шундай сидқидилдан ўтаяпти.

Ҳ. АБДУНАБИЕВ.

МАРДЛИК МАКТАБИ

Бўлинмамиз Улуғ Ватан уруши йилларида шонли жанговар йўлни босиб ўтган. Бу оловли йилларда жангчилар кўрсатган мислсиз мардликлари «Жанговар шон-шуҳрат» музейимиз экспонатларида акс эттирилган.

Совет Армияси сафида хизмат қилаётган биз — ёшларга жуда масъулиятли ва шарафли вазифа — чегараларимизнинг даҳлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, ҳар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга ҳамиша шай туриш вазифаси юклатилган. Шунинг учун жангчилар жанговар ва сиёсий тайёргарликларини тинимсиз ошириб бораётирлар. Машқларда бўлинмамиз солдатлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни аъло бажариб, қўмондонликнинг раҳматномасига сазовор бўлдилар.

А. РАЗЗОҚОВ,
оддий солдат.
Н-қисм.

Майор В. Ф. Маргелов командирлик қилаётган бўлинма Ленинградни душман ҳалқасидан озод қилиш учун ҳужумга ўтиш арафасида турарди. «Лекин ҳужумни қандай олиб борсак экан?— ўйларди командир душман томонга тикиларкан.— Тўғри бостириб бориш — беҳуда қурбонлар бериш, деган гап. Яхшиси, сапёрлар взводидан бирини душман миналаштирган зонага юбориб, йўлни тозалаш, кейин эса орқа томондан тўсатдан ҳужум бошлаш керак».

Бу муҳим вазифа гвардиячи кичик лейтенант Абдулла Аҳмедов командирлик қилаётган взвод зиммасига юклатилди.

Сапёрлар взводи командири гвардиячи кичик лейтенант Аҳмедов командир ҳузурида навбатдаги топшириқни олди:

— Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга тўғри келади. Полкнинг ғалабаси сизларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўз взводингиздан синалган икки-уч жангчини олиб дарҳол ишга киришинг.

— Есть, кетишга рухсат этинг, ўртоқ майор!

Майор Абдуллага «оқ йўл» тилар экан, унинг елкасига дўстона қоқиб қўйди.

...Тун. Мана икки кундирки, фронт чизигини ёриб ўтган разведкачиларимиз ҳушёрлик билан ҳаракат қилишади. Кундузи соатлаб бир жойда кутишга тўғри келади. Фақат кечасигина топшириқни бажариш имконияти туғилади. Ҳар дақиқада ҳаётларига ўлим хавф солиб турган бўлишига қарамай, «Черная речка» ва Синявино посёлкалари оралиғида жойлашган 42 та душман истеҳкомлари аниқланиб, йўл-йўлакай полк штабига маълумот бериб борилди. Икки сутка давомида ўн бешта танкка қарши, 60 та пиёдаларга қарши кўмилган миналар зарарсизлантирилиб, катта «йўлак» очилди. Учинчи кун кечаси гвардиячи пиёдаларнинг асосий қисми ана шу «йўлак»дан душман ортига ўтиб олди. Мислсиз жанглар узоқ давом этди... Ниҳоят икки томондан исканжага олинган душман енгилди.

Тунги топшириқни аъло даражада бажариб, ғалабани таъминлаган гвардиячи кичик лейтенант Абдулла Аҳмедов, сержант Константин Кесаров, оддий солдат Николай Зерновлар Қизил Юлдуз ордени билан тақдирландилар.

Юқорида биз ўзбек йигитининг фронтда кўрсатган жасоратларидан бир лавҳа ҳикоя қилдик, холос. Мана энди йиллар ўтди. Байроналардан асар ҳам қолмади. Кўп жароҳатлар битиб кетди. Аммо ўша жанговар хотиралар ҳали-ҳануз Абдулла ака Аҳмедовнинг кечагидек ёдида. Ахир кўксида порлаб турган Қизил Юлдуз, I ва II даражали Шуҳрат орденлари, қатор медалларнинг ҳар бири ўз тарихи ва тафсилотига эга. Бу ҳақда у ёшларга, айниқса, ўзи ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Оққўрғон районидаги Жданов номли 3-ўрта мактаб ўқувчиларига неча бор тўлқинланиб сўзлаб берган. Ҳар сафар хотиралар оғушига берилар экан, беихтиёр собиқ жангчининг кўзлари намланади.

Уруш ветеранининг қалби ҳозир ёшларни социалистик Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш ишқи билан ёнади. Уларни авлодлар шонли анъаналарини давом эттиришга ундайди.

П. ЭРГАШЕВ.

ТУНГИ ТОПШИРИҚ

35 ЙИЛДАН СЎНГ

ГАЗАЛКЕНТ шаҳридаги «Бўстон» кинотеатрига кўксилари жанговар орден ва медаллар билан тўла Улуғ Ватан уруши иштироқчилари тўпланишган.

Тантанали кеча бошланганидан сўнг Бўстонлиқ район ҳарбий комиссари минбарга В. И. Панфиловни таклиф қилади.

— Ўртоқ Панфилов — Сталинград мудофаси қаҳрамонларидан биридир, — деб таништирди Василий Ивановични тўпланганларга ҳарбий комиссар. — У фронтда кўп марта қаҳрамонликлар кўрсатган. Бунинг эвазига ўртоқ Панфилов икки марта Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган. Мана, орадан 35 йил ўтгач ана шу жанговар орденлар ўз эгасини топди.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Ҳаяжонланиб кетган Василий Ивановичнинг кўзларига ёш қалқиди...

У Улуғ Ватан уруши бошлангандан сўнг биринчи жангга 1942 йилнинг июль ойида Сталинград бўсағаларида кирган эди. Ушанда катта лейтенант Панфилов ўқчи батальоннинг ҳарбий комиссари эди. Комиссар жангчилар ўртасида ташвиқот ишларини кучайтириб юборган, уларни ҳал қилувчи жангларга тайёргарлик кўришга даъват қиларди. 19 ноябрда батальон пешқадам қисмларимиз қатори Донни кечиб ўтиб, Клетский шаҳрини ишғол қилди. Довюрак комиссар бу жангларда шахсий намуна кўрсатиб, ҳужумга ташланган жангчиларимизнинг олдинги сафида бўлди.

Бу жангларнинг бирида Панфилов қаттиқ жароҳатланди. Ушанда у Қизил Юлдуз орденига тақдим этилганди. Бироқ Василий Иванович бундан беҳабар эди. Улуғ Ватан уруши охирида Панфилов яна бир марта Қизил Юлдуз орденига тақдим этилди. Бироқ ўша суронли кунларда бу орденларни эгасига топшириш насиб бўлмаган эди.

В. Панфилов уйига бахтиёр қайтарди. У кўксида жанговар медаллари қаторида порлаб турган қўш орденига ғурур билан қараб қўярди.

Ҳа, мардлик ва жасорат асло унутилмайди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг Ҳусан Олимов бошлиқ бригадаси аъзолари сифатли пиёз уруғи етиштирдилар. Ҳозир уни териб олиш қизғин бораётир. Суратларда: (ўнгда) бригада бошлиғи Ҳ. Олимов уруғ сифатини кўздан кечирмоқда; Сайёра, Валида, Холида Гуломовалар ва Абдусамад Абдураҳмоновлар пиёз уруғини йиғиштириб олишда актив қатнашмоқдалар.

Ф. Абдурасулов фотолари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ТИРАСПОЛЬ (Молдавия ССР). 30. Молдавия енгил саноатининг энг йирик корхонаси — Тирасполь ип-газлама комбинатида иккинчи йигирув-тўқув фабрикаси корпуси конструкцияларини монтаж қилиш тугалланди. Қурувчилар ишга туширилади объектни — йигирув фабрикасининг биринчи навбатини муддатидан илгари — декабрь ойининг охиригача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Коллектив ишни жадаллаштириш учун қурилиш ва монтаж ишларини бирга қўшиб, тиғиз график асосида меҳнат қилмоқда. Бутун фабрика ишга туширилгандан кейин комбинат ўз қувватини уч баравар ошириб, ҳар йили 110 миллион квадрат метр ип-газлама тайёрлай олади.

КИЕВ, 30. Днепропетровск область, Царичанка районидаги «Заветы Ильича» колхозида иссиқ об-ҳаво кузги экинлар ҳосилдорлигига таъсир ўтказа олмади. Бу ерда, суғоришга ўтилганлиги туфайли ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 51 центнердан буғдой олинди. Бу йил Украинада қарийб икки миллион гектар суғориладиган майдонда қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилмоқда. Суғориладиган массивларнинг учдан бир қисми донли экинлар учун ажратилган. Деҳқонлар суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнер ғалла йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

(ТАСС).

МОСКВА. Лихачев номли автомобиль заводи ғалла ўрим-йиғими олиб борилаётган қишлоқ хўжалик районларига кунлик график бўйича юк машиналари жўнатяпти. Ҳозир корхонада Қозоғистон ва Украинага машиналар юборилмоқда.

Суратда: юк машиналари вагонларга ортилмоқда.

В. Ҳуҳлаев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЯ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР

Областимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва хўжаликларида 4530 та цех партия ташкилоти ва 4735 та партия группаси қизғин фаолият кўрсатмоқда. Коммунистларни, барча меҳнаткашларни беш йиллик топшириқлари, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этишда улар катта ташкилотчилик ролини ўйнамоқдалар.

15 августда бошланадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларида цех партия ташкилотлари ва партия группалари ўтган бир йил давомида хўжаликка раҳбарлик, ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида коммунистлар, меҳнат коллективлари олдида ҳисоб берадилар, бундан буёнги ҳаракат программасини белгилаб оладилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларини малакали, оператив ёритиш мақсадида область, шаҳар, район газеталари, телевидение ва радио журналистлари қандай тадбирларни кўрмоқдалар? Область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар ҳамда пропаганда ва агитация бўлимлари ҳамкорликда ўтказган йиғилиш шу темага бағишланди. Йиғилишда ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари С. И. Стрежнев ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ўзига хос хусусиятлари, коммунистлар активлиги ва жанговарлигини оширишда бу йиғилишларнинг роли тўғрисида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Тошкент ҳақиқати» газетаси партия тўрмуши бўлимининг мудири Ж. Носиров, «Янгийўл» район газетаси редактори З. Қуртнезиров, Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси редактори Э. Қосимов, Чирчиқ шаҳар «Социалистический Чирчик» газетаси редакторининг ўринбосари В. Л. Бармаков ва бошқа ўртоқлар ҳисобот-сайлов йиғилишларини ёритишда тўпланган тажрибалар ва бу йилги тайёргарлик ишлари ҳақида ўртоқлашдилар.

Область партия комитети матбуот, телевидение ва радио сектори мудири С. Саидвалиев журналистлар эътиборини йиғилишлардан ёзиладиган ҳисоботлар тематикаси ва ижодий характерига қаратди.

МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ

БЕКОБОД РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ИЛҒОР УСУЛЛАРНИ КЕНГ ҚЎЛЛАМОҚДАЛАР.

ГАПНИНГ сирасини айтганда, қайси деҳқон пахтадан мўл ҳосил олишни, тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмони уюб, ҳаммани лол қолдиришни истамайди, дейсиз. Аммо, деҳқон муваффақияти бир жиҳатдан об-ҳавога ҳам боғлиқ. Табиат эса ҳар йили бирдек саҳоват кўрсатавермайди. У билан тинимсиз курашиб, эрта баҳорда она-Ер бағрига қадалган чигитдан ҳосилдор туплар яратгунча, кузда бир миқдор ҳам пахтани ерда қолдирмай йиғиштириб олгунча озмунча машаққат, озмунча ташвиш чекадими деҳқон?!

Айниқса, Бекобод шароитида нечоғли қийин унга. Фарғона «дарвоза»си орқали эсадиган Бекобод шамоли Ўрта Осиёдаги энг кучли шамолларидан бири. Қишда секундига 25—30 метр, баъзан 45 метргача, ёзда эса 15—20 метр тезликда эсадиган бу шамол баъзан беш кунгача тиним билмайди. Бир йилда ўрта ҳисобда 52 кун шу аҳвол.

Кучли шамол хўжаликларга катта зарар етказиб келяпти. Ариқ ва каналларни қум билан кўмиб юборади. Автомашина ва вагонларни, телефон ва телеграф устунларини ағдариб ташлаган пайтлари ҳам кўп бўлган. Айниқса, баҳор кезлари дарахтларни синдириб, меваларни тўкиб юборишини, ғўзаларни нобуд қилишини айтмайсизми. Ачинарлиси шундаки, тупроқнинг унумдор устки қисмини шамол олиб кетиши натижасида ерлар яхши ҳосил бермайдиган бўлиб қолади.

Ҳа, Бекобод шамоли ўжар ва қудратли. Аммо, ана шу шамолларда тобланган одамлари ундан ҳам ўжар, ундан ҳам қудратли кучга эга. У билан басма-бас иш юритишади. Шунинг учун ҳам неча йиллардирки, деҳқонлар қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, инсон кучининг нималарга қодир эканлигини исботлаб келмоқдалар.

Узоққа бормай, ўтган йили пахтачилик соҳасида эришилган ютуқларга бир назар ташлайлик. Район аршунослари 65 минг тонна пахта етиштириб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ленин номли, Навоий номли, Дзержинский номли колхозлар, «Ленинград», Ойбек номли совхозларда гектаридан олинган ҳосил 30—34 центнерни ташкил этди. Валлами Тўхтабоев, Адолат Рўзиматова ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 50—53 центнердан ҳосил олинди. 1-«Далварзин» совхозидан Бобохон Отахонов бригадаси қўлга киритган ютуқлар эса областдагина эмас, республика миқёсида ҳам кўпларнинг оғзига тушди. Еши етмишни қоралаб қолган бу отахон бутун умрини пахтага бағишлади. Кам эмас, ўттиз йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келади. Ҳамон меҳнат билан тетик, бардам. Ўтган йили бой тажрибасига асосланиб Бекобод шароитида ҳам 60 центнерлик маррани эгаллаш мумкинлигини исботлаб берди. Ташаббускорлар изидан борган райондаги 19 бригада, 2 бўлим ва 4 участка ҳосилдорликни 35—40 центнерга етказди.

Бу йил бекободликлар ҳар гектар ердан 31 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 70 минг тонна сифатли пахта топширишга азму-қарор қилишган. Етиштирилган ана шу ҳосилнинг 55 минг тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Аҳдга вафо қилишга қатъий бел боғлаган район меҳнаткашлари бу йилги мураккаб шароитларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу борада республика партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаати улар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Мурожаатдаги «Ҳар бир ғўза тупини сақлаб қолиш, ниҳолларнинг энг мақбул қалинлигини вегетация охиригача таъминлаш, намуналр парвариш қилиб ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришга эришиш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир»,— деган сатрлари баайни улар дилидаги гаплар эди. Улар қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини излаб топдилар. Бу изланишлар, янгиликка интилишлар замирида бир қатор ташаббуслар вужудга келдики, бу областимиз пахтакорлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ленин номли колхоз пахтакорлари бошлаган ташаббус бутун республикага ёйилди. Кўплаб хўжаликларда қатқалоқни юмшатишда уларнинг иш тажрибаси қўлланди.

Яқиндагина колхозда механизаторлар учун, кейинроқ сувчилар учун огоҳлантириш талонлари жорий қилинди. Бу механизатор ва сувчининг масъулиятини ошириш билан бир қаторда иш сифатини янада яхшилашда, моддий ва маънавий рағбатлантиришда қўл келмоқда.

— Бу йилги шароитда маҳаллий ўғитнинг фойдаси нақадар катталигини тажрибали деҳқонларимиз жуда яхши биладилар,— дейди колхоз раиси Ҳайдарали Ҳамроқулов. — Бироқ, маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиш йўлини топа билиш керак. Механизаторларимиз ғўза қатор ораларига қуруқ ғўғ соладиган махсус «Ҳосил — 1979» мосламаларини яратдилар. Бундан ташқари чорвачилик фермамизда жуда катта ҳовуз бор. Унда 2000 тоннадан ортиқ мол ахлати ва чиқити тўпланган. Ҳозир у эски цистерналардан қирқиб ясалган махсус тележкаларга чўмичи суюқликка мослаштирилган экскаватор билан ортилиб, пахта майдонларига ўқариқларига тўкиб кетиляпти. Ана шу суюқ ўғит сув билан «шарбат» бўлиб ғўзаларга оқяпти.

Хушхабарнинг қаноти бўлади, дейишади. Бундан 7—8 кун муқаддам хўжаликда яна бир хушхабар тарқалди. Дўл уриб кетиши натижасида колхоз бўйича 100 гектар ерга қайта чигит экилган эди. Культивация қанчалик сифатли қилинмасин, барибир қатор оралари кўнгилдагидек юмшамаяпти. Нима қилиш керак? Қандай қилиб буни бартараф этиш мумкин?

Колхоз механизаторлари бунинг ҳам йўлини топишди. Қатор ораларини юмшатадиган махсус янги мослама яратилди. У оддийгина. Ер ҳайдайдиган осма плуг рамасига чизель органи ўрнатилди. У культивация қилинадиган майдонларда ишлатилиб, қатор ораларини 28 сантиметр чуқурликда ва нормал кенгликда юмшатади. Мослама Адолат Рўзиматова бошлиқ бригада далаларида синовдан ўтказилди. Натижа ёмон эмас. Ҳар бир трактор билан кунига 15 гектаргача майдонни юмшатиш мумкин экан. Ҳозир хўжаликда 5 та ана шундай мослама тиркалган трактор унумли ишлатилмоқда.

Колхоз деҳқонлари ўтган йили 2000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олишганди. Бу йил эса ана шу кўрсаткични 37,5 центнерга етказиш, давлатга 7500 тонна пахта сотишга сўз беришган. Далаларда олиб борилаётган ишлар ҳам ана шу юксак мажбуриятга яраша бўлаётир.

Сирдарё соҳилларида жойлашган Навоий номли колхоз ҳам райондаги илғор хўжаликлардан. Колхоз 1614 гектар майдонда пахта етиштиради. Шу кеча-кундузда 33 центнерлик маррани эгаллаш учун кураш қизғин. Мавсум қийин келган бўлишига қарамай, ғўзалар ривожи дуркун. Деҳқон меҳрига қонган ниҳоллар ҳосилдор бўлиб етиляпти. Колхоз бўйича учинчи ишлов тугалланиш арафасида. Пахтазорларда 28 та агрегат тўхтовсиз ишлатиляпти. 150 киши эса суғориш ишларига жалб этилган.

— Биз эса ғўзаларни тўртинчи культивациядан чиқаряпмиз,— дейди 4-участка бошлиғи Йўлчи Ирисалиев,— Лекин ишлов беришни об-тобида ўтказиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалари эканлигини англаган ҳолда иш юритмоқдалар.

Илғор бригадалар ҳақида гап кетгудек бўлса, ташаббускорлар номини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Бобохон Отахонов ҳамда Валлами Тўхтабоевлар етакчилигидаги бригадалар бу йил ҳам 60 центнерчилик ташаббусини бошлаб бердилар. А. Рўзиматова бригадаси эса 55 центнерни мўлжалламоқда. Район хўжаликларидаги мавжуд 277 бригаданинг 80 га яқини 40—50 центнер учун курашаётир. Б. Назарқулов А. Шамсиев, Х. Пардаев, Б. Бўронов, М. Мирзаев, Н. Нуралиев, М. Мирвалиева, А. Баховиддинов, Р. Қўлдошев, К. Отабеков ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадалар социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришмоқда.

Узбекистон партия ва ҳукуматининг республика меҳнаткашларига Мурожаати ва область пахтакорлар Советининг тавсияларига амал қилаётган район заршунослари июль ойини ҳосил тақдирини ҳал қилувчи зарбдор ой, деб парваришни кучайтирдилар. Ғўзаларнинг амал олишини тезлаштириш, ривожланишдаги қолоқликни тугатиш, эртаки ҳосил етиштириш юзасидан июль ойида амалга ошириладиган иш плани тузилган. Бу планга кўра 408 та культиватор унумли ишлатилиб, кунига 2240 гектар майдонга ишлов берилаётир. «Ҳосил — 1979» мосламалари билан август ойигача 10800 гектар майдонга 165 минг тонна маҳаллий ўғит солинади. Кунига уч минг сувчи 2000 гектар ердаги ғўзани об-ҳаётга қондирмоқда.

Район партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари ҳозирги кунда асосий эътиборни илғор хўжаликлар тажрибасини кенг ёйиш, ғўзага ишлов беришда қўлланилаётган янгиликларни ҳамма колхоз ва совхозларда жорий этишга қаратмоқдалар. Бутун куч ва ички резервлар ғўза парваришига сафарбар этилиб, социалистик мажбуриятдаги 70 минг тонналик хирмон учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КУБА КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ГАВАНА, 30 июль. (ТАСС мухбири). Куба пойтахтининг ҳамма кўчаларида «6» рақами ёзилган плакатларни кўриш мумкин. Бу рақам халқаро жамоатчиликнинг ҳаётида йирик воқеа яқинлашиб қолганлигидан дарак беради. Блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг VI конференцияси Гаванада очилишига қадар бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Бу конференция Латин Америкасида биринчи марта ўтказилади.

Блокларга қўшилмаган ҳаракат олий анжуманини ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик давлат пойтахтида ўтказиш тўғрисидаги қарорни миллионларча кубаликлар зўр ифтихор ва масъулият туйғулари билан кутиб олдилар. Бу Кубанинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсганлиги эътироф этилганлигидан, унинг бу ҳаракатдаги роли, халқларнинг империализмга қарши, мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги актив иштирокига юксак баҳо берилганлигини кўрсатади.

Гавана конференцияга қатнашадиган 80 дан зиёд давлат вакилларини кутиб олишга шай бўлиб турибди. Яқинда конгресслар саройи қурилди. Ҳозир бу ерда ускуна ва жиҳозлар ўрнатиш тугалланмоқда, алоқа техникаси синаб кўрилмоқда. Пойтахтнинг хушманзара районларидан бирида денгиз соҳилида кўп қаватли меҳмонхона қурилиши битай деб қолди, Кубанинг меҳмонлари истиқомат қиладиган бошқа меҳмонхоналарнинг ремонти тамомланмоқда.

Жаҳондаги кўп мамлакатларнинг матбуоти яқинда ўтказиладиган анжуман муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқда. Перуда чиқадиган «Коррео» газетаси ёзади: Гаванадаги учрашув блокларга қўшилмаслик ҳаракати сафларини ва ҳаракат қатнашчиларининг ўз озодлиги учун курашаётган халқлар билан бирдамлигини мустаҳкамлаш йўлида шубҳасиз, муҳим босқич бўлиб қолади.

О. КОЛЕСНИКОВ.

ХАЛХИН-ГОЛДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЛАН-БАТОР, 31 июль. (ТАСС). Халқ Монголиясида совет ва монгол қуроллий кучларининг Халхин-Голда қозонган ғалабаси 40 йиллигига бағишланган турли тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Корхоналарда митинг ва йиғилишлар, жангларнинг иштирокчилари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ишчи ва ўқувчи ёшларнинг вакиллари, ёш изтопарлар жанговар шуҳрат жойларига бормоқдалар, номаълум қаҳрамонларнинг номини аниқламоқдалар.

Республикадаги завод, фабрика ва қурилишларда «Халхин-Голдаги ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олайлик» деган шиор остида юбилей меҳнат вахталари ўтказила бошланди.

ЗИМБАБВЕ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

МАПУТУ, 31 июль. (ТАСС). Зимбабве ватанпарварлари шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида Родезия солдатлари ва офицерларидан 2.000 га яқин кишини қириб ташладилар. Зимбабве ватанпарварлик фронтига кирган Зимбабве Африка миллий иттифоқининг бу ерда тарқатилган ахборотида шу ҳақда гапирилади.

Родезия ҳарбийлари шу давр ичида 12 ҳарбий самолётдан, кўп миқдордаги ҳарбий техникадан, шу жумладан бронетранспортёрлардан маҳрум бўлиб қолдилар.

ПЕКИН «КЕЧИРИМ СЎРАЯПТИ»

Эрон телевиденеиси қуйидагиларни хабар қилди: Покистон президентининг ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси Оятилло Ҳумайни билан учраштан вақтда Хуа Гофэннинг оғзаки гапларини унга маълум қилди. Хуа Гофэн ўтган йилнинг август ойида Эронга қилган визити учун «кечирим сўрайди». «Мен ағдариб ташланган шоҳ ҳукмронлиги вақтида Эронга қилган визитим учун Ҳумайнидан кечирим сўрайман ва Эрон ислом республикасини қўллаб-қувватлаётганлигимни билдираман», дебди Хуа Гофэн.

Маълумки Хуа Гофэннинг Эронга визити шунчаки «илтифот визити» эмас эди. Кузатувчилар бу визитни муҳокама этиб, ХХР яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларида, аввало нефть қазиб чиқарилаётган мамлакатларда ўз таъсирининг таянч нуқталарини вужудга келтиришга очиқданочиқ интилаётганлигини якдиллик билан таъкидладилар. Шу билан бирга бошқа бир нарса ҳам уқтириб ўтилган эди — Хитой раҳбари реакцион шоҳ режими империалистик доираларнинг, аввало АҚШнинг ҳаракати билан ҳали ҳокимият тепасида турган ва чуқур тангликка учраган, шоҳнинг қонли диктатурасига қарши халқ норозилиги тўлқини тобора кучайган бир пайтда Эронга сафар қилган эди.

Хуа Эронда бўлган кунларида шоҳнинг сиёсатини кўкларга кўтариб мақтади. Пекин вакилига Теҳроннинг рамзий «олтин калити» тантанали вазиятда топширилган вақтда чет эл матбуоти Табриздаги оммавий ғалаёнлар тўғрисида, бу ерда полиция намойишчиларни ўққа тутганлиги ҳақида, Сари, Кереждa ва бошқа шаҳарларда шоҳга қарши намойишлар ўтказилганлиги тўғрисида, армияга «тартибни назорат қилиш» топширилганлиги тўғрисида, шоҳнинг маҳфий полицияси САВАК зиндонларида ватанпарварлар кўплаб қатл этилганлиги хусусида хабар берган эди. Англияда чиқадиган «Дэйли телеграф» газетасининг ёзишича, жаҳон ўша даврда «икки раҳбар — Эрон шоҳи билан Хуа Гофэн ўртасида жуда ажойиб шахсий муносабатлар ўрнатилганлигини» билиб олди. Кубанинг «Гранма» газетаси ўша пайтда қуйидагиларни ёзган эди: «Антикомунизм Эрон сиёсатига илҳомбахш этган Эрон маъмурлари халқ ҳаракатини бостириш учун ҳамма воситаларни ишга солган бир пайтда Хуа Гофэн Теҳронга қилган сафари муддатини узайтиради, шоҳ билан «дўстона муносабатларини намойиш қилади».

Эндиликда Эронда бўлган революция натижасида реакцион шоҳ режими ағдариб ташланганидан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин Пекин халққа душман бўлган ана шу диктатурани қўллаб-қувватлаганлиги учун Хуа Гофэн орқали «кечирим» сўраяпти ва «кескин бурилиш» ясаб, «Эроннинг янги ҳукуматини қўллаб-қувватлаётганлиги»ни билдиради. Ана шу сохта «кечирим» сўрашлар билан қонхўр шоҳ режимининг минг-минглаб қурбонларига яна ҳаёт бахш этиш мумкин эмиш. Қонхўр шоҳ режими халққа қарши фаолиятида ташқаридан олинган мададга, шу жумладан Пекиннинг ҳам мададига таянганлиги ҳаммага аёндир.

Ю. КОРНИЛОВ, ТАССнинг сиёсий обзорчиси.

ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ДЕҲЛИ, 28 июль. (ТАСС). Бугун бу ердаги президент саройида Ҳиндистоннинг янги бош министри Чаран Сингх ва унинг ҳукуматидаги 8 министр қасамёд қилди.

Я. Б. Чаван бош министрнинг ўринбосари ва ички ишлар министри қилиб, Ш. Н. Мишра ташқи ишлар министри, Х. Н. Бахугуна молия министри қилиб тайинланди.

ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАҒДОД, 30 июль. (ТАСС). Ироқ президенти Саддам Ҳусайн республика гвардиячи қисмларидан бирининг солдатлари ва офицерлари ҳузурида нутқ сўзлади. У, жумладан, яқинда мамлакатда бир гуруҳ фитначилар фош этилган воқеаларга тўхталиб ўтди. Империализм ватаннинг ва унинг фарзандларининг озодлигига зарба бериш учун аксилинқилобчи унсурлар орасидаги думларидан фойдаланди, деди С. Ҳусайн. Халқ эришган муваффақиятларига қарши уюштирилган бу фитнанинг иштирокчилари, деди у, революция ва партия ишига хиёнат қилдилар. Аксилинқилобий кучлар қандай фитна уюштирмасинлар, улар албатта яксон қилинади, деб таъкидлади президент.

Бағдод газеталари бугун фитначиларни кескин қоралаб чиқди. Ироқ бир неча йил давомида раҳбар лавозимларга суқулиб кирган кишиларнинг бир гуруҳ хоинлар билан биргаликда тайёрлаган фитнасига дуч келди, деб ёзади «Ас Саура» газетаси. Лекин фитна партия билан халқнинг зиёраклиги туфайли барбод этилди, деб уқтириб ўтади газета.

Атом фожиасини ўз бошидан кечирган Япония меҳнаткашлари мустаҳкам тинчлик учун актив курашмоқдалар. Мамлакатда тинчликка бағишлаб кўплаб митинглар, намойишлар ўтказилаётир, тинчлик тарафдорларининг имзолари тўпланмоқда. Суратда: Токио—Хиросима тинчлик юриши қатнашчилари.

Джапан—ТАСС фотоси.

ВОРОНЕЖ ОБЛАСТИ. Россоши шаҳридаги Придон химия заводида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриляпти. Бу ерда йилига 450 минг тонна аммиак ва 450 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқариладиган қувватларнинг биринчи навбати қурилиши тугалланди.

Суратда: азот кислотаси ишлаб чиқариш цехи участкаларидан бири.

В. Кожевников фотоси, ТАСС фотохроникаси.



ПЕРМЬ. Камск кабель заводида тайёрланаётган маҳсулотлар Узоқ Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзолари бўлган давлатларга жўнатилади. Уз навбатида бу ерда ГДР, Венгрия, Болгария, Польшада тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Суратда: заводнинг юқори кучланишли лабораторияси ходимлари экспортга жўнатишга мўлжалланган аппаратни синаб кўраётирлар.

Е. Загуляев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ТАРТИБ ЎРНИГА ТАРТИББУЗАРЛИК

Октябрь районидаги «Марказ-27» массивида яшовчи аҳоли 20-алоқа бўлимига жойлашган кирим кассасига электр, газ ва бошқа коммунал хизматлар учун пулни шу ерга тўлашади. Касса битта бўлишига қарамай бу ерда аҳолига хизмат кўрсатувчи кишилар ишни муддатидан анча илгари тугатиб, тушликка чиқишни одат тусига айлантириб олишганн газетамизнинг 31 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада танқид қилинган эди.

Мазкур мақолага Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари бошқармасининг бошлиғи С. Шаповаловдан жавоб олдик. Унда кўрсатиб ўтилишича, омонат касса ишида мақолада қайд қилинган фактлар текширишда тасдиқланган. Мавжуд камчиликларни тугатиш ва унн такрорланаслик тадбирлари белгиланган. 3627 сонли омонат касса мудирига кирим касса ишини шахсан назорат қилиш топширилган. Белгиланган тадбирлар райондаги ҳамма омонат кассаларида ишлаб чиқилган.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА ЕШЛАР ИЖТИМОИЙ-ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ҚАНДАЙ ЎРГАТИЛМОҚДА

БЎСТОНЛИҚ областимизнинг кўп тармоқли районларидан бири. Бу ерда чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик хўжаликлари билан бирга хилма-хил саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, дам олиш зоналари турли касб-ҳунар эгаларини кутмоқда. Уларни мутахассис-кадрлар, ишлаб чиқарувчи қўчлар билан таъминлашда касб танлаш бўйича район идораларо Совети катта ишларни олиб бормоқда.

Район ижроия комитети, район халқ маорифи бўлими умумий-таълим мактабларида билим олаётган ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга доимий эътибор бериб келмоқда. Биргина шуни айтиш кифояки, мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати 335 ўқувчини ўзига жалб қилган. Бу комбинатда район хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари учун зарур бўлган мутахассисликлар: тракторчилар, автотранспорт ҳайдовчилар ва тикувчи-мотористкалар тайёрланмоқда. Янги ўқув йилидан яна икки соҳа кадрлари тайёрлаш мўлжалланаётир. Бу — иш юритувчилик ва электр станциялари бўйича электрик мутахассисликларидир. Комбинатни тамомлаганлар автослесарь, тикувчи гувоҳномаси ва шоферлик ҳуқуқини олади.

Районда мактабларо комбинатдан ташқари 2-ўрта мактаб базасида ҳунар маркази ташкил этилган. У 1, 2, 20, 22-мактабларда ҳамда 6-мактаб-интернатнинг 9—10 синф ўқувчиларини ўзига бирлаштиради. Бу ерда жами 567 ўқувчи таълим олади. Ёшлар автомобиль иши, тикувчилик, дурадгорлик ва слесарликни ўрганишади.

Йигирмата ўрта мактабда юқори синфларнинг 1699 ўқувчиси меҳнат таълимини пухта эгалламоқда. 30, 40-мактабларда ёшлар автомобилни бошқаришга, 11, 26-мактабларда трактор ҳайдашга, 4-мактабда эса мелиорацияга ўргатилмоқда. Бу мактабларнинг 226 ўқувчиси бу йил ҳар хил ихтисос бўйича гувоҳномаларга эга бўладилар.

Райондаги ҳамма мактабларда ёшларнинг касб танлаш бўйича махсус бурчаклар, стендлар ташкил қилинган. Мактаб кинотеатрларида ҳам шу хусусда катта ташвиқот ишлари олиб борилади. «Ким бўлсам экан?», «Уз бахтингни ўзинг топ», «Одам ва касб» каби мавзуларда кинолекторийлар ишлаб турибди. Ўқувчилар бу кинолекторийларда суҳбатлар тинглайдилар, сеанслар олдидан турли касб кишилари билан, меҳнат қаҳрамонлари билан учрашадилар.

Шу йил ўқишлар тугаши арафасида Чорвоқ зонасидаги мактабларда «Сен севган касб ҳақида гаплашайлик» деган мазмунда конкурс ўтказилди. Конкурсда ўқувчилар билан уларга маъқул тушган касбни нима учун севишлари ҳақида, у ё бу мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбатлашилди. Конкурсда касблар бўйича викториналар уюштирилиб, ўткир зеҳнлилар мусобақаси ўтказилди.

Райондаги ҳамма мактабларда «Касбни тўғри танлашнинг муҳим томони нимада?» деган мавзуда ўқувчилардан сўров ўтказилмоқда. Бу сўров натижаси ҳам яхши самара беравётир.

Бундан ташқари 2-мактабда «Урок ва болға», 9-мактабда «Менинг ҳаётдаги ўрним», 17-мактабда «Истеъдод» деб номланган клублар ишлаб турибди. Мазмун моҳияти ана шу номлариданоқ англашиладиган бундай клублар фаолияти йигит-қизларга қандай таъсир кўрсатишини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Мактабларда ташкил қилинган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ҳам ёшларни меҳнатга жалб қилишнинг муҳим омилидир. Бундай бригадалар ихтиёрига 227 гектар ер ажратилган. Бу йил ишлаб чиқариш бригадаларининг сони яна кўпайди. Уларда мингдан ортиқ ўқувчи ишлади. Бригадалардаги иш мактаб маъмурияти билан хўжаликлар ўртасида тузилган шартномалар асосида олиб борилади. Бригадаларга биология ўқитувчилари ҳамда колхоз ва совхозлардан ажратилган мутахассислар раҳбарлик қилишмоқда. Райондаги 15, 28, 29, 34, 45-мактабларнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари айниқса яхши фаолият кўрсатмоқда. Бир қатор мактабларда эса ўқувчилар гўшт етиштиришнинг муҳим резервларидан бири ҳисобланган қўйончилик билан шуғулланишмоқда.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида дала шийпонлари мавжуд. Бу ерда ёшлар меҳнатдан сўнг дам олиб, ҳар хил қизиқарли машғулотлар ўтказишлари мумкин. Ўқувчилар бригадаларида кўрсаткич тахталари осиб қўйилади. Бу тахтачаларга бригадага қанча майдон ажратилганлиги, қандай план белгиланганлиги, зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ёзилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ва меҳнат илғорлари билан учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Бу йил 22 марта ана шундай учрашув ўтказилди. Чунончи, 3 ва 30-мактабларнинг ўқувчилар бригадаларида «Ленинград» колхозининг илғор бригада бошлиғи ўрток Бегматов билан учрашув бўлди.

Касб танлаш бўйича область идораларо Советнинг яқинда бўлган мажлисида бўстонлиқликларнинг бу борадаги ишлари маъқулланди. Шу билан бирга районда ёшларнинг касб танлаш бўйича олиб борилаётган тадбирларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатига база корхоналари ҳисобланган «Сельхозтехника» бўлими ва Товоқсойдаги рўзғор химия фабрикаси кўнгилдагидек ёрдам бермаяпти. Корхоналар билан шартномалар тузилмаган. Синф хоналари етишмайди.

Район халқ маорифи бўлими тикувчи-мотористкалар амалий машғулот ўтказиши учун 17-мактабда алоҳида синф ажратиб берган эди. Бироқ, жиҳозлар ўрнатилиб, мастер ва наладкачилар тайинлангач, рўзғор химия фабрикаси ишчиларни қабул қилиб, ўзича цех очиб олди. Болалар эса амалий машғулотларга жалб қилинмай қолди. 62-ҳунар-техника билим юртида ҳалигача ишлаб чиқариш устахоналари ва ётоқхоналар қурилиши бошланмаган.

Янги ўқув йили бошланаётган, мактабларни битириб чиққан ёшлар мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ҳозирги дамларда бу ва шунга ўхшаш камчиликларга алоҳида эътибор бериш керак.

М. СОАТОВ.

СПАРТАКИАДА КУНДАЛИГИ

СУЗИШ. СССР халқлари VII спартакиадаси мусобақаларида республикамиз терма командаси активига яна битта кумуш медаль қўшилди. В. И. Ленин номидаги Марказий стадион бассейнида эркаклар ўртасида 200 метрга брасс усулида сузиш мусобақалари финалида Иттифоқимизнинг энг кучли саккиз спортчиси стартга чиқдилар. Умумий масофанинг биринчи ярмида РСФСР вакили Федоровский энг яхши натижа кўрсатди. Сўнгги 50 метрда литвалик спортчи Р. Жулпа ва республикамиз вакили Темур Падмарёв ўртасида кескин кураш бошланди. Бу курашда Литва сузувчиси устунлик қилди ва финалга биринчи бўлиб етиб келди. У СССР рекордини яхшилади: 200 метрга сузиш учун 2 минут, 17, 59 секунд вақт сарфлади. Финишга иккинчи бўлиб етиб келган Темур Падмарёв эса чемпионга 1,07 секунд ютқазиб қўйди ва кумуш медаль совриндори бўлди.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Ленинградда бу тур мусобақаларига якун ясалди. Қозоғистон терма командаси биринчи ўринни эгаллаб, спартакиада чемпиони бўлди. Республикамиз вакиллари эса тўртинчи бўлишди. Шуни айтиб ўтиш керакки, хоккейчиларимиз ўз имкониятлари даражасидан анча суст натижа кўрсатдилар. Финал мусобақаларида улар РСФСР ва Озарбайжон спортчиларига ютқазиб қўйишди.

ЧАВАНДОЗЛИК. Умумкоманда ҳисобида Ўзбекистон командаси тўртинчи ўринни эгаллади. Эришилган бу ғалабада катта соврин учун мусобақаларда тўртинчи натижа кўрсатган Ю. Коршов тўсиқлардан ошиб ўтиш мусобақаларида ўн биринчи бўлган А. Аҳмедшинларнинг ҳам ҳиссаси бор.

ҚЎЛ ТЎПИ. Бу мусобақаларда 9—17 ўринлар аниқланди, Ўзбекистонлик эркаклар командаси ҳам, аёллар командаси ҳам ўнинчи ўринни эгаллашди.

ФУТБОЛ. 1—8-ўринлар учун курашаётган командаларнинг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: Грузия — Қозоғистон — 3 : 2, РСФСР — Ленинград — 2 : 0, Москва — Литва — 2 : 0, Украина — Белоруссия — 0 : 0. Киевда 9—12 ўринлар учун футбол мусобақалари давом эттирилди. Ўзбекистон терма командаси иккинчи ғалабани қўлга киритди. Латвия командаси билан учрашув 2 : 1 ҳисобида тугади. Голларни пахтакорчи В. Чуркин ва рақиб ўйинчиси Деглиз ўз дарвозасига киритди. Ҳужумчи Романенков 11 метрлик жарима тўпи билан жавоб қайтарди.

СЎЛИМ ЛАГЕРЬ ҚЎЙНИДА



Мамлакатимизда ҳамма энг яхши нарсалар болалар ихтиёрига берилган. Эзги каникул кунларида бепоён Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида болалар учун минглаб пионер ва спорт-соғломлаштириш лагерлари, санаторийлар ва туристик базалар ташкил этилган.

Республикамизнинг юз минглаб ўқувчилари ҳам каникул кунларини шод ва қувноқ ўтказаётирлар. Улар пионер гулханлари атрофларига тўпланмоқдалар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказмоқдалар, қизиқарли саёҳатларга чиқаётирлар. Лагердан яхши дам олиб, чиниқиб қайтишмоқда.

Суратларда: «Геолог» пионер лагерида дам олаётган ўқувчилар ўйинчоқлар ясаяптилар; лагерда эрталабки бадан тарбия; «Огонёк» пионер лагерининг сузиш бассейнида.

Р. Шагаев ва Б. Хўжаев фотолари. [ЎзТАГ].



РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги рассомлар студиясининг кўргазмалар залида СССР рассомлар союзи ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига қарашли рассомлар студиясининг аъзолари, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофати лауреати Жавлон Умарбеков ҳамда Марат Содиқовнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада рассомларнинг кейинги йилларда яратган олтмишдан зиёд графика ва живопись асарлари намойиш қилинмоқда. Кўргазмада Жавлон Умарбековнинг «Жазоир бўйлаб» туркумидаги асарлари кенг ўрин олган. Кургазма санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Б. ТОЖИЕВ.

ИЛЁС МУСЛИМ 70 ЕШДА

ШОИР ЙЎЛИ

У шоир ва ношир. Бу йўлда 50 йилдан буён баракали хизмат этиб келмоқда. Уни бадиий адабиёт мухлислари, айниқса ёш китобсеварлар жуда яхши биладилар. Чунки у ўзининг бутун ҳаёт йўлини, ижодий тухфаларини давримизнинг, бахтли ҳаётимизнинг ёш авлодларига бағишлаб келмоқда.

Унинг табаррук номи ўзбек совет болалар адабиётининг забардаст вакиллари Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий, Адҳам Раҳмат, Шукур Саъдулла, Ҳаким Назир, Пўлат Мўминлар қаторида туради. Ўзининг 70 йиллик улуғ айёмига қадам қўйган халқимизнинг севимли шоири Илёс Муслимдир.

Илёс Муслим 1909 йилда Қирғизистон ССР пойтахти Фрунзе (Пишпак) шаҳрида туғилди. Янги давр, янги ҳаёт меҳнаткаш фарзандларига ўқиш ва ҳунар ўрганишга катта имкониятлар яратади. Ёш Илёс Тошкентга ўқишга келиб Педагогика билим юртига киради ва уни 1931 йилда тугатади. Ёш зиёли олдида катта ҳаёт йўли турарди. У билим юртида ўқиб юрган вақтида бадиий адабиётга катта ихлос қўйганди. Яхшигина шеърлар ёзиб, унинг дастлабки намуналарини республика газеталарида эълон қилиб турганди. Унинг шеърлари билан таниш бўлган нашриёт ходимлари техникумни тугатиб, қўлга гувоҳнома олган ёш истеъдодли қаламкашни ўз идораларига ишга таклиф этадилар. Халққа ўз асарлари билан хизмат этишни бениҳоя қадрлаган Илёс бу таклифни қабул этади. Шундай қилиб, ўзининг дастлабки меҳнат фаолиятини нашриётдан бошлайди.

Илёс Муслим 1931 йилдан то Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар Тошкентда, республика нашриётларида редактор, бош редактор ва директор ўринбосари лавозимларида ишлайди. Шу йилларда нашр этилган республикамизнинг атоқли қалам соҳиблари китобларинг кўпчилигини кўздан кечирсак, улардаги муҳаррир ёзуви ёнида Илёс Муслим номини кўрамиз. У нашриёт ишларида актив иштирок этиб келиш билан бирга, ўзи ҳам самарали ижод қилиб келди.

1932 йилда унинг биринчи китоби «Ўсув» нашр этилди. Бу китобнинг номи ҳам унинг мазмунини белгилаб турибди. Тўпламга жонажон диёримизда олиб борилган коллективлаштириш ва саноатлаштириш соҳасидаги буюк ишлар таранним этилади.

Биринчи тўплам ёш қалам соҳибига янги ижодий парвозлар келтирди. Шундан кейин унинг янги-янги асарлари китобхонларга тақдим этила бошланади. Бу китобларнинг аксарияти болаларга бағишланган асарлар бўлди. Ёш шоирнинг «Шод бўғунлар» ва «Миқти келди» (1934) «Шеърлар» (1938) тўпламларида ҳам мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаёти, тарбия ва ўқишлари, орзу ва истаклари, интилиш ва қизиқишлари қуйланади.

Улуғ Ватан уруши ҳаммани фронтга чорлайди. Жонажон Ватанимизнинг ғарбий ўлкаларида шиддатли, ҳаётмамот жанглари борарди. Илёс Муслим фронтга отланган қалам соҳиблари қаторидан жой олди. У бир қўлида қурол ва бир қўлида қалам билан гитлерчи босқинчиларга қарши жанг қилиш учун оловли жанггоҳларга йўл олди. Фронтда ўқчи взвод командири бўлиб, фашист газандаларига қирон келтирди, кўп оғир жангларда қатнашди. 1943 йилнинг кузида қардош Белоруссия ерларини гитлерчилардан озод қилиш жангларида лейтенант Илёс Муслим актив қатнашади. Витебск шаҳрини озод қилишда ўз взводи жангчилари билан олдинги маррада жонбозлик кўрсатади, душман шаҳар бўсағасидан суриб чиқарилади. Айни жанг қизиб турган бир вақтда взвод жангчилари ҳаракат қилаётган жойда душман минаси портлайди. Илёс Муслим кучли портлаш натижасида оғир контузия бўлади. Уни даволаш учун госпиталга олиб кетадилар.

Госпиталда даволанаётган Илёс Муслимни фронтда ўзбек тилида чиқиб турган «Қизил Армия» газетасининг ходимлари билиб қолдилар ва уни газетага ишга чақирадилар. Шундай қилиб, у 1943 йилнинг охирги ойларидан бошлаб фронт газетасида ҳарбий муҳбир бўлиб ишлай бошлайди. Гитлерчи босқинчиларга қаттиқ зарбалар бериб, тобора ғалаба соатларига яқинлашиб бораётган Совет баҳодирларининг жасоратлари Илёс Муслимга илҳом бағишлайди. У қизғин жанглар бориб турган жойларда тез-тез бўлиб, у ерлардаги жангчиларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг жанговар ишлари ҳақида оператив материаллар уюштиради ва шеърлар ёзади.

Мен бир воқеани асло эсимдан чиқармайман. Биз Илёс Муслим билан бир фронтда эдик. Мен танк қисмида, мото-ўқчи батальон командирининг ўринбосари эдим. Польшада жангдан бўш вақтда ўзбек тилида чиққан «Қизил Армия» газетаси келиб қолди. Унинг бир ҳарфини ҳам қолдирмай ўқиб чиқдим ва иккита шеър ёзиб, шу газета редакциясига юбордим. Ўн кундан кейин Варшава яқинида газета ва бир хат олдим. Хат Илёс Муслимдан эди. Хатда «Висла бўйида» ва «Поляк қизига» деган шеърларим чиққанлиги ва бундан буён ҳам шундай шеърлар юбориб туриш маслаҳат берилиб, самимий, дўстона, сўзлар ёзилган эди. Бу хат ва икки шеърни ҳозиргача сақлаб келаман.

Илёс Муслим фронтда, газетада ишлаб юрган вақтларида совет жангчиларининг жасоратларига бағишланган 20 дан ортиқ очерклар ва шунча келадиган шеърлар ёзди. Уларнинг бир қисми шоирнинг тўпламларида эълон қилинган. Унинг «Шуҳрат эгаси», «Қасоскор» ва бошқа ҳарбий очерклари Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган тарихий зафарномаларимизнинг ёрқин лавҳаларидир.

Урушни ғалаба билан тугатиб, жанговар орден ва медаллар билан мукофотланиб, яна жонажон республикамизга қайтиб келган коммунист, жангчи шоир Илёс Муслим ўзининг илгариги қадрдон ишини бошлайди — нашриётларда редакторлик вазифасига ўтади.

Ижодий кучини бахтли ҳаётнинг ёш авлодларига бағишлайди. Болалар ҳаёти тараннум этилган «Турналар», «Бизнинг мактаб», «Сенинг совғанг», «Менинг совғам», «Тиллақўнғиз», «Ойхон ва Райҳон», «Пионер», «Кўрик». «Ишчан асаларилар», «Болажонларим» ва бошқа шеърий тўпламлари эълон қилинди. 1975 йилда унинг «Биринчи совға» шеърий тўплами ёш китобхонларга тақдим этилди. Илёс Муслим ҳозир ўзини кўп йиллик асарларини жамлаб, янги тўплам тайёрлаб, нашриётга топширди. У ҳамон болалар орасида, улар илҳоми билан яшайди. Уларга янги шеърлар тақдим этиш устида қалам тебратади.

Илёс Муслим моҳир таржимон ҳамдир. У А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, Л. Толстой, В. Маяковский, С. Маршак, К. Чуковский, С. Михалков ва бошқа рус классик ва ҳозирги замон ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Қардош халқлар адабиётидан ҳам унинг таржималари бор. Атоқли қирғиз совет ёзувчиси Т. Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари» ва «Тоғ болалари» романларини ўзбекча нашри Илёс Муслим қаламига мансубдир.

Илёс Муслим ўзининг табаррук 70 йиллигини янги ижодий ғайрат билан кутиб олмоқда. Уни мактабларда, пионерлар лагерларида, болалар боғчаларида тез-тез кўриш мумкин. Болалар йилида болаларнинг севимли шоири Илёс Муслимга доимий бардамлик ва янги ижодий парвозлар истаймиз.

НАЗАРМАТ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

3 АВГУСТДА
ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

ПРОГРАММАДА:

Бутуниттифоқ цирк асарлари кўригининг дипломанти

Фёдор ЧУФАРОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

ДУНЕДА ЯГОНА

„КИЧИК ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ“ ЛИЛИПУТЛАР ЦИРКИ

Масхарабозлар: Антон ХОДАРКЕВИЧ, Кирилл ЗАРИФ, Василий ДУРДАНИНЛАР доимо манежда.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш кассаси ишламоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ТАЛЛИН ШАҲРИДА

15 АВГУСТДА

1966 ИЛГИ ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ БЎЙИЧА

105-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заёмлар бўйича ютуқлар қуйидагича белгиланган: 40, 100, 500, 1.000, 2.500 ва 5.000 сўм.

Заём облигациялари 10 ва 20 сўмлик қилиб чиқарилади.

Қиймати 10 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ҳар бир 100 миллион сўмга 512 минг 560 сўмлик 9 минг 400 та ютуқ ўйналади.

Заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади.

Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигацияларини сотиб олинг!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГАЗ!

Газ асбобларидан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя этинг!

Зангори ёқилги рўзғорга жуда қулай, аммо у ўзига нисбатан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлишни ёқтирмайди.

Газдан фойдаланиш қоидасининг андаккина бўлсин бузилиши, кишининг заҳарланиши, ёнғин чиқиши, портлаш содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Ишлаб турган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг.

Болалар ва инструкциялар билан таниш бўлмаган кишиларни газдан фойдаланишга йўл қўйманг.



Газни ёқишдан аввал қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

хонани шамоллатиш (дераза дарчасини очиш), плитадаги кран очиқ — ёпиқлигини текшириш, сўнг плита олдидаги кранни очиш, ёқилган гугурт чўпини горелкага яқинлаштириш, шундан кейин горелкалар кранини очиш лозим.

ҚУЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

Газ плиталари тепасида кир қуритиш;
плиталар, газ проводларини тўсиб қўйиш;
баллонларни, винтилларни ва кранларни гайка бураб диган асбоб, амбур ва бошқалар билан очиш ва ёпиш;
плита комфоркасига таги кенг идишларни қўйиш;
газ чиқаётганини аниқлаш учун оловдан фойдаланиш.

Хонада газ ҳиди келиши билан, шунингдек, ертўлалар, ҳовли қудуқларидан газ иси келиши билан 04 телефони орқали зудлик билан хабар қилинг.

Газ чиқишининг олди олинмагунча ўт ёқиш, чекиш, чироқ ёқиш, электр асбоблардан фойдаланиш ман этилади. Доим ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

«ТАШОБЛГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 Спартакиада кундалиги. 10.05 — Орлёнок. 10.50 — Алёшканинг ови. Бадиий фильм. 11.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.50 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.30 — Спартакиада. 17.30 — Горичилар, қаердасиз? 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Спартакиада. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Оперетта артистларининг кечаси. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Спартакиада. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 11.40 — Қизил альпинистлар. 9—10-сериялар. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Республика мулки. Бадиий фильм. 1-серия. 18.20 — Микромультфильмлар тўплами. 18.30 — Сиз севган шоирлар. Илёс Муслим. 19.00 — Она ер саховати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Белялов куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — СССР халқ артисти Г. Измайлова концерти. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.20 — Бесром кун. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Кручина-Бучина. Фильм. 18.50 — Олтин соат. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Китоб дўстлари. 21.00 — Ҳамма танигаи номаълум киши. Бадиий фильм. 3-серия.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02127. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2536.